

# «ТАСДИҚЛАЙМАН»

Автомобил йўллари қўмитаси “Умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини куриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” Давлат унитар корхонаси директори  
Д. Юсупов

“Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини куриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК буюртмачилигидаги объектларнинг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун танловларни ўтказиш ва ташкиллаштириш бўйича танлов

## комиссиясининг иш РЕГЛАМЕНТИ

### I. Умумий қоидалар

1. Мазкур регламент Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида” ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июлдаги “Давлат харидлари шаффоғлигини таъминлаш ва самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-5171-сонли қарори, Автомобиль йўллари қўмитасининг 2021 йил 5 июлдаги 116-сонли буйруғи ҳамда хукуматнинг тегишли топшириқларга асосан ўтказилади.

2. Танлов комиссияси “Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини куриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК нинг 2021 йил 16 ноябрдаги 112-Б-сонли буйруғи асосида иш олиб боради.

3. Танлов комиссияси аъзоларининг танловда **50%** дан кам бўлмаган қисми қатнашса танлов комиссияси қабул қилган қарор мувофиқ деб ҳисобланади.

4. Танлов комиссияси аъзоси ўз хукуқларини бошқа шахсга ташкилот раҳбари томонидан берилган ишончнома асосида танлов комиссияси ишида қатнашиши мумкин.

5. Таклифларни танловга эълон берилгандан 5 кундан сўнг, комиссия аъзолари томонидан кўрилади.

6. Офертани буюртмачига топширишнинг охирги муддати эълон берилгандан бошлаб 5 кун.

7. Танлов комиссиясининг ҳар бир аъзоси томонидан таклифлар бўйича овоз бериш натижалари тўғрисидаги маълумотлар қатъий равишда махфий ва ошкор этилиши шарт эмас.

8. Ҳар бир таклифни кўриб чиқилгандан кейин қарор кўпчилик овози билан қабул қилинади, агар овозлар тенг бўлса раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

9. Ҳужжатларни комиссия вакиллари томонидан ўрганиш ва баҳолаш қатнашувчилар ёки уларнинг вакиллари иштирокисиз ўтказилади.

10. Агар танлов ғолиби танлов ҳужжатларида назарда тутилган шартлар асосида шартнома тузишдан бош тортса, унда таклифларни кейинги балл олган иштирокчи танлов ғолиби бўлади ёки танлов бошқат (янги) дан ўтказилади.

11. Оферент томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида етказиб берилмаган ва сифатсиз ишлаб чиқилган бўлса, шартнома мажбуриятларини илгари асоссиз равишда бузганликлари, шунингдек пурдатчилар томонидан шикоят бўлган тақдирда, танлов комиссияси оферентнинг таклифини рад этишга ва қайтаришга ҳақлидир.

12. Агар иштирокчи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш нархини буюртмачининг бошланғич нархини **90%** дан камини таклиф қилса, у танловни кейинги босқичда иштирок этишдан четлатилади, чунки бу лойиҳа-смета ҳужжатларини рақобатбардошлиги ва уни ишлаб чиқишнинг сифатига салбий таъсир кўрсатади.

13. Танлов иштирокчилари лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолияти билан шуғулланишга тегишли лицензияга эга бўлган ташкилот ва корхоналар бўлиши лозим.

14. Танловда иштирок этиш учун ариза берувчи қуидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

- танловда иштирок этиш учун ариза;
- танлов иштирокчилари учун кўрсатмаларга мувофиқ тўлдирилган ариза шакллари;
- рўйхатга олинадиган ҳужжатларнинг нусхалари (шу жумладан субпурдатчиларники);

- г) лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун тегишли лицензиялар нусхалари (шу жумладан субпудратчиларни);
15. Хужжатлар электрон шаклда топширилади.
  16. Баҳолашнинг асосий мезонлари техник қисм, ишнинг қиймати ва лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш муддати бўлади.
  17. Танлов натижалари асосида тузилган шартноманинг шартлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қиласиган Фуқаролик кодексининг умумий тамойилларига, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий асослари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ва меъёрий хужжатларга мувофиқ бўлиши керак.
  18. Иштирокчилар томонидан тақдим этилган хужжатлар қўйилган талабларга жавоб берishi керак.
  19. Танловда қайта ташкил этилаётган ёки банкротлик ҳолатидаги лойиҳа ташкилотлари иштирок этиши мумкин эмас.

## **II. Танлов таклифига киритилган хужжатлар.**

20. Танлов иштирокчиси қуйидаги маълумотларни тақдим этади:  
Танлов иштирокчисининг ташкилий шакли тўғрисидаги маълумотлар (ташкилотнинг бўлимлари билан биргаликда тузилиши ва кадастр хужжатлари ёки ижара шартномаси (1-илова)).
21. Белгиланган шаклда берилган тегишли тоифадаги лицензияни илова қилган ҳолда танлов иштирокчиси тўғрисида умумий маълумотлар, барча субпудратчилар билан биргаликда (2-илова).
22. Сўнгги уч йилдаги танлов иштирокчисининг молиявий ҳолати тўғрисида хужжатлар (3-илова).
23. Сўнгги уч йил ичида тугатилган ва амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича танлов иштирокчисининг иш тажрибаси, лойиҳани амалга ошириш тўғрисида сертификатлар, гувоҳномалар, (бажарилган ишлар далолатномалари нусхалари) буюртмачилар томонидан берилган мулоҳаза хатлари, амалга оширилган ишлар бўйича тузган шартномалари нусхалари ва давлат экспертиза хulosалари нусхалари билан бирга тақдим этилиши лозим (4-илова).
24. Объектни жойида ўргангандиги тўғрисида маълумотнома. Визуал график материаллар (Объектнинг режаси, кўприкнинг умумий кўриниши, материалларни ташиб масофаси тўғрисида маълумот, объектнинг тахминий қиймати, кўринишлари ва бошқалар) ва тушунтириш хати (5-илова).
25. Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиша фойдаланиладиган жиҳозлар ва техникаларнинг рўйхати (6-илова).
26. Таклиф этилаётган субпудратчилар рўйхати ва субпудратчилар томонидан лойиҳанинг турли қисмларини бажариб берishi тўғрисида кафолат хатлари (7-илова).
27. Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш муддати (8-илова).

## **III. Таклифни юбориши.**

28. Таклиф электрон шаклда буюртмачига юборилади ва топширилади.

## **IV. Танлов иштирокчиларини баҳолаш.**

29. Танлов голибини аниқлашда конкурс иштирокчилар томонидан тўлдирилган ва тақдим этилган иловалар ўрганиб чиқилади.
30. Танлов комиссиясининг ҳар бир аъзоси баллар жадвалини тўлдиради (намуна 1-жадвалда келтирилган).
31. Зарур бўлганда, танлов комиссияси комиссия таркибидан, Дирекция бўлимларидан ёки тегишли бошқа мутахассисларни жалб қилган ҳолда хужжатларни тўлиқ ўрганиб чиқиш ва хулоса киритиш учун баҳолаш гурухри тузишга ҳақлидир.

**1-жадвал**

**объектини лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун  
танлов таклифларини баҳолаш варағи**

№ №	Параметрлар номи	№№ Иловалар	Макси- мал балл	Оферентлар номи			
				№1	№2	№3	№4
1	Иштирокчининг ташкилий шакли	1-илова	5				
2	Танлов иштирокчисида умумий маълумотлар (лицензияларини илова қилинган холда)	2-илова	14				
3	Танлов иштирокчисининг молиявий холати	3-илова	25				
4	Сўнгги уч йил давомида бажарган иш тажрибаси	4-илова	29				
5	Объектни жойида ўрганганлиги тўғрисида маълумот	5-илова	7				
6	Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиша фойдаланиладиган жиҳозлар ва техникаларнинг рўйхати	6-илова	10				
7	Таклиф этилаётган субпудратчилар рўйхати ва субпудратчилар томонидан лойиханинг турли кисмларини бажариб бериши тўғрисида кафолат хатлари	7-илова	5				
8	Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиши муддати	8-илова	5				
	Жами		100				

Танлов комиссияси аъзоси \_\_\_\_\_ «\_\_\_\_» 2021 й.  
 (Ф.И.Ш.) (имзо) (сана)

#### **V. Танлов таклифларини баҳолаш мезонлари.**

32. Танлов хужжатида ҳар бир параметр бўйича мажбурий тартибда баҳолаш мезонлари киритилиши керак.

Баҳолаш мезонлари 2-жадвалда келтирилган

**2-жадвал**

**Автомобиль йўлларини (йўл иншоотларини ва биноларини) қуриш, реконструкция қилиш ва тўла таъмиrlash объектларини лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун танлов таклифларини баҳолаш мезонлари**

№ №	Иловаларнинг баҳолаш параметрлари номи.	Баллар миқдори
<b>I. Иштирокчининг ташкилий шакли. 1-илова (5 балл)</b>		
1.	Ташкилотда иккитадан кам бўлмаган бўлимнинг мавжудлиги	1
2.	Ташкилотнинг архиви ва лойиҳалаш хонасининг мавжудлиги (кадастр ҳужжатлари нусхаси ёки ижара шартномаси нусхаси)	1
3.	Техник бўлимнинг мавжудлиги	2
4.	Материал техник таъминот хизматининг мавжудлиги	1
<b>II. Танлов иштирокчиси тўғрисида умумий маълумотлар. 2- илова (14 балл)</b>		
1.	5 кишидан кам бўлмаган малакали лойиҳачи ва мутахассисларнинг мавжудлиги (буйруқлар, дипломлар ва меҳнат дафтарчалари нусхалари билан бирга)	5
2.	Иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган автомобиль йўллари ва қўприкларни лойиҳалаш бўйича 1 та лойиҳа бош мухандиси (ЛБМ) нинг мавжудлиги (буйруқлар, дипломлар ва меҳнат дафтарчалари нусхалари билан бирга)	5
3.	Иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган автомобиль йўллари ва қўприкларни лойиҳалаш бўйича 4 та мухандис техник ходимлар мавжудлиги (буйруқлар, дипломлар ва меҳнат дафтарчалари нусхалари билан бирга)	4
<b>III. Иштирокчининг молиявий ҳолати. 3-илова (25 балл)</b>		
1.	Бюджет олдида каэрзорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома (тегишли давлат солик ташкилотлари томонидан тасдиқланган бўлиши лозим)	5
2.	Ташкилотнинг тегишли даври учун ходимларнинг ўртacha йиллик сони ва иш ҳаки жамғармаси тўғрисида маълумотнома, 100 млн. Сўмдан кам бўлмаслиги лозим (тегишли давлат солик ташкилотлари томонидан тасдиқланган бўлиши лозим)	6
3.	Асосий воситаларнинг қолдик қиймати 500 млн. Сўм ва ундан кўп	5
4.	Муддати ўтган кредитор каэрзорликни мавжуд эмаслиги	4
5.	Ўтган йилда 150 млн.сўм фойдаси (солик тўлангунга қадар) мавжудлиги	0 ёки 5
<b>IV. Сўнгти уч йил давомида бажарган иш тажрибаси (экспертиза хулосалари ва асословчи ҳужжатлар билан). 4-илова (29 балл)</b>		
1.	Уч йилда танлов предметига ўхшаши ҳажми жами 1 млрд сўмдан кўп бўлиши	4
2.	Охириг уч йил танлов предметига ўхшаши ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига N (N-Буюртмачи бошлангич нархнинг 20%) ва ундан кўп.	7
3.	Танловдагига ўхшаши профил бўйича охириг 3 йилда ўз кучи билан 5 тадан кам бўлмаган ишчи лойиҳа, ишчи ҳужжат ва ТИА (ТЭО) ҳужжатларини ишлаб чиқсанлиги. (экспертиза хулосаси билан тасдиқланади)	10
4.	Танловга қўйилган обьект жойлашган ҳудудга танлов иштирокчиси (филиали) жойлашган юридик манзилини яқинлиги (муаллифлик назорати олиб бориш ва қурилиш жараёнидаги муаммоларни жойида хал қилиш учун)	8
<b>V. Объектни жойида ўрганилганлиги тўғрисида маълумот. 5-илова (7 балл)</b>		
1.	Объектни жойида бориб ўрганилганда (тушунтириш хати, объектнинг тахминий қиймати, объектнинг режаси, қўприкнинг умумий кўриниши, материалларни олиш манбалари ва ташиш масофаси тўғрисида маълумотлар)	7
<b>VI. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиша фойдаланиладиган жиҳозлар ва техникаларнинг рўйхати. 6-илова (10 балл)</b>		
1.	Жиҳозлар ва техникаларнинг тўлиқ комплекти бўлган ҳолатда (5 та компьютер, 2 та принтер, 1 та плоттер, 1 та лицензиялар дастур, 1 та автомобиль, асословчи ҳужжатлар билан).	10
<b>VII. Таклиф этилаётган субпудратчилар рўйхати ва субпудратчилар томонидан лойиҳанинг турли қисмларини бажариб бериши тўғрисида кафолат хатлари. 7-илова (5 балл)</b>		
1.	Субпудратчи ташкилотларнинг мавжудлиги: Баллар субпудратчи ташкилотлар сонига мутаносиб камайтирилади (Ўз кучи билан бажариш тўғрисида лойиҳачининг кафолат хати асослантирувчи ҳужжатлар билан тақдим этилганда энг юқори балл билан баҳоланади).	5
<b>VIII. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиши муддати. 8-илова (5 балл)</b>		
1.	Танлов ҳужжатларида лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиши муддати	5

**Изоҳ:**

- 1 ва 2-жадваллар танлов таклифларини баҳолаш мезонининг тавсиявий намунаси, ҳар бир объектнинг мураккаблиги ва иш ҳажмига қараб баҳолаш мезонларига ўзгартириш киритилиши мумкин.
- Ҳар бир баҳолаш мезонини минимал баҳоси нолга тенг ва уни ундан паст баҳо билан ифодалаш мумкин эмас.
- Оферент баҳолаш яқунларига қўра 60 балдан кам балл тўпласа (келгусида – ўтиш баллари), танлов комиссияси аъзоларининг овози қарши ҳисобланиб, техник жиҳатдан малакаси етарли эмас деб ҳисобланади.

**4. Иштирокчиларни таклифлари қуйидаги ҳолларда кўрилмайди ва танловдан четлатилади (дисквалификация қилинади):**

- агар таклиф танлов комиссиясининг овоз бериш натижаларига қўра техник малакаси етарли эмас деб топилса.

- 1, 3 -иоловалардан бири ёки барчаси тақдим этилмаган бўлса.

- 1 ва 5-иоловалардан бири бўйича ноль балл олган бўлса.

- агар иштирокчининг тақдим этган нархи буюртмачининг бошланғич нархидан юкори бўлса.

**5. Баллар интерполяция йўли билан ҳисобланади.**

33. Баҳолаш тизим томонидан электрон тарзда амалга оширилади.

34. Таклифлар бўйича энг кўп балл тўплаган иштирокчи танлов ғолиби ҳисобланади.

35. Танлов ғолибига тўловлар тузилган шартномага асосан Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси (сўм) да тўлаб берилади.

**Буюртмачи манзили:**

Тел./факс: (+99871) 237-32-04

info@direksiya.uz

direksiya.duk@uzavtoyul.uz

100000. Тошкент шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 68-уй .

Маъсул шахс: бош мутахассис Эсонов Аброр Хасанбой ўғли тел: (91) 111-24-00

# **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН КҮРСАТМАЛАР**

**ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИДАГИ ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА САХИФАЛАРИ ТАНЛОВ  
ИШТИРОКЧИСИ РАХБАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАШКИЛОТ МУҲРИ БИЛАН  
МУҲРЛАНАДИ**

**1-ИЛОВА**

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**

Ташкилотингизнинг ташкилий тузилмасини схематик тарзда кўрсатинг

**ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИДАГИ ИЛОВАЛарНИНГ БАРЧА САҲИФАЛАРИ ТАНЛОВ  
ИШТИРОКЧИСИ РАХБАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАШКИЛОТ МУҲРИ БИЛАН  
МУҲРЛАНАДИ**

2-ИЛОВА

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

Иштрокчи номи : \_\_\_\_\_

Рахбарнинг Ф.И.Ш.: \_\_\_\_\_

Танлов объектининг номи: \_\_\_\_\_

Манзили ва телефон/  
факс рақами: \_\_\_\_\_

Хукукий мақоми (статус): \_\_\_\_\_

Ташкил қилинган санаси ва жойи: \_\_\_\_\_

Мутахассислиги бўйича  
фаолияти: \_\_\_\_\_

Рахбар ва унинг ўринбосарлари:

Ф.И.Ш.

Лавозими

Иш тажрибаси

---

---

---

---

Асосий ходимлар (ЛБМ, бўлим бошлиқлари, мутахассислар)

Ф.И.Ш.

Лавозими

Иш тажрибаси

---

---

---

---

Доимий ва вақтингчалик ходимлар сони:

Доимий ходимлар (жами): \_\_\_\_\_

Вақтингчалик ходимлар ёки шартнома билан ишлайдиган ходимлар (жами): \_\_\_\_\_

Ўн (10) йилдан кам бўлмаган иш стажига эган бўлган ходимлар сонини кўрсатинг  
(соҳа бўйича).

Доимий ишлайдиган ходимлар \_\_\_\_\_

Вақтингчалик ходимлар ёки шартнома билан ишлайдиган ходимлар \_\_\_\_\_

**ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИДАГИ ИЛОВАЛарНИНГ БАРЧА САХИФАЛАРИ ТАНЛОВ  
ИШТИРОКЧИСИ РАХБАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАШКИЛОТ МУҲРИ БИЛАН  
МУҲРЛАНАДИ**

3-ИЛОВА

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНинг МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ**

уч йиллик молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисботни илова қилган ҳолда  
Танлов иштирокчисининг номи: \_\_\_\_\_

(минг. сўм)

АКТИВЛАР	2019 й	2020 й	2021 й	ПАССИВЛАР	2019 й	2020 й	2021 й
<b>Узоқ муддатли активлар</b>				<b>Ўз маблағлари манбаи</b>			
Асосий воситалар				Устав капитали			
Шундан Ишлаб чиқариш фондлари				Тақсимланмаган фойда			
Қолдиқ қиймат				<b>Мажбуриятлар</b>			
Капитал қўйилмалар				Займлар			
Тугалланмаган чиқариш	ишлаб			Кредитор қарздорлик			
<b>Жорий активлар</b>				Шундан муддати ўтган қарздорлик			
Айланма маблағлар				Шундан бюджетдан қарздорлик			
Улардан ишлаб чиқариш захиралари				Шундан иш ҳакидан қарздорлик			
Дебитор қарздорлик							
Шундан муддати ўтган қарздорлик							
Жами баланс активи бўйича				Жами баланс пассиви бўйича			

**МОЛИЯВИЙ НАТИЖА**

Номи	2019 й	2020 й	2021 й	Номи	2019 й	2020 й	2021 й
1. Реализациядан олинган тушум				8. Соф фойда			
2. Реализациядан олинган соф тушум				Шундан асосий фаолият бўйича			
3. Реализация килинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи				Умумхўжалик фаолият бўйича			
4. Маъмурий харажатлар				9. Асосий фаолиятдан олинган фойда			
5. Бошқа харажатлар				10. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда			
6. Даромад солиги тўловигача фойда				11. Зарар			
7. Даромад солиги				шундан асосий фаолиятдан			
				умумхўжалик фаолиятдан			

Баланс фойдаси\_\_\_\_\_

Сўнгги 3 йил ичida бирор бир банкротлик ёки тўловга лаёқатсизлик тўғрисидаги жараёнлар  
бўлганми\_\_\_\_\_

Рахбар\_\_\_\_\_

Бош бухгалтер\_\_\_\_\_

М.Ў.

Сана: « \_\_\_\_ » 2022 й.

**Изоҳ: Танлов иштирокчисининг охирги 3 йил ичida молиявий ҳолати тўғрисидаги ахужажистлар аудитор  
компания хуносаси ёки ДСИ томонидан тасдиқланган баланс ҳисботлари билан бирга тақдим этилади.**

**ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИДАГИ ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА САХИФАЛАРИ ТАНЛОВ  
ИШТИРОКЧИСИ РАХБАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАШКИЛОТ МУҲРИ БИЛАН  
МУҲРЛАНАДИ**

4-ИЛОВА

Охирги 3 йил давомида амалга оширилган лойиҳа-смета ҳужжатлари  
(201\_-201\_- йй.)

Танлов иштирокчиси номи: \_\_\_\_\_  
Сўнги 3 йилда якунланган лойиҳаларни санаб ўтинг

**ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИДАГИ ИЛОВАЛарНИНГ БАРЧА САХИФАЛАРИ ТАНЛОВ  
ИШТИРОКЧИСИ РАХБАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАШКИЛОТ МУҲРИ БИЛАН  
МУҲРЛАНАДИ**

**5-ИЛОВА**

**ОБЪЕКТНИ ЖОЙИДА ЎРГАНИЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА МАҶЛУМОТ**

1. Ушбу билан тасдиқлайманки, мен \_\_\_\_\_ (фамилия)  
объект жойлашган ҳудудга чиқдим ва  
(название участника торга)  
курилиш ҳудудини ва унга ёндан ҳудудларни тўлиқ кўздан кечириб чиқдим.

2. Шу билан бирга:

а) танлов ҳужжатларини тўлиқ ва тўқис ўрганиб чиқдим

б) ушбу шартноманинг сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши ва унинг нархига таъсир қилиши мумкин бўлган барча миллий ва маҳаллий шароитлар ва бошқа ҳолатлар ва шароитларни тўлиқ ўрганиб чиқдик.

Танлов иштирокчисининг имзоси:\_\_\_\_\_

Танлов иштирокчиси номи:\_\_\_\_\_

Тузилган санаси: «\_\_\_\_» 2022й.

**ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИДАГИ ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА САХИФАЛАРИ ТАНЛОВ  
ИШТИРОКЧИСИ РАХБАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАШКИЛОТ МУҲРИ БИЛАН  
МУҲРЛАНАДИ**

6-ИЛОВА

ШАРТНОМАДА КЎЗДА ТУТИЛГАН ИШЛАРНИ БАЖАРИШ УЧУН ИШЛАТИЛАДИГАН  
НУСХА КЎПАЙТИРУВЧИ ВА БОШҚА ТЕХНИКАЛАР РЎЙХАТИ

Техника      Маркаси      Миқдори      Ишлаб чиқарилган йили  
номи

Танлов иштирокчиси имзоси: \_\_\_\_\_  
Тузилган сана: «\_\_\_\_\_» 2022 й.

**ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИДАГИ ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА САХИФАЛАРИ ТАНЛОВ  
ИШТИРОКЧИСИ РАХБАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАШКИЛОТ МУҲРИ БИЛАН  
МУҲРЛАНАДИ**

7-ИЛОВА

ЛОЙИХА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА СУБПУДРАТЧИ СИФАТИДА  
ЖАЛЬ ҚИЛИНИШИ МУМКИН БЎЛГАН ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТАШКИЛОТЛАР  
РЎЙХАТИ.

№	Субпудратчи ташкилотлар номи	Бажариладиган ишлар рўйхати	Изоҳ
1.		Кўприклар ва тунеллар	
2.		Топогеодезия	
3.		Геология	
4.		Ёритиш тизими ва бошқалар	
5.			

**ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИДАГИ ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА САХИФАЛАРИ ТАНЛОВ  
ИШТИРОКЧИСИ РАХБАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАШКИЛОТ МУҲРИ БИЛАН  
МУҲРЛАНАДИ**

8-ИЛОВА

ДА ЖОЙЛАШГАН  
ОБЪЕКТНИ  
ЛСҲ ИШЛАБ ЧИҚИШ БЎЙИЧА  
СЎРОВ

(буортмачи номи)

Агар бизнинг таклифимиз қабул қилинадиган бўлса, биз лойиҳа ишини шартнома Молия вазирлигининг Ғазначилигидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг бошлаймиз ва ушбу шартномага киритилган барча ишларни \_\_\_\_\_ календар кун давомида тўлиқ амалга оширамиз.

Сана: «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ й.

Имзо